



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 166 — 167 (11.977 — 11.978)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

СТРАТЕГИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 23 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Тонг бокиралиги диёри билан юртимизни катта масофа ажратиб турса-да, халқларимизни қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Эл-юртга садоқат, ажодлар мероси ва қадриятларини қадрлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик, саховат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, меҳнатсеварлик каби фазилатлар ўзбек ва корей халқлари учун бирдек ҳосидир.

Кўксарой қароргоҳида Корея Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислон Каримов ва Президент Ли Мён Бак шохсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат маҳфиялари янгради. Давлатлар раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ислон Каримов ва Ли Мён Бакнинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда икки томонлама муносабатларга доир масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Сизнинг юртимизга ушбу ташрифингиз Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма йиллиги ва мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 20 йил тўлиши арафасида амалга оширилаётгани чуқур маънога эга, — деди Ислон Каримов. — Биз Корея Республикасини Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори, деб биламиз. Ушбу ташриф мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Музокарада таъкидланганидек, бу учрашув кўп қиррали муносабатларни янада жадал ривожлантириш жараёнидаги муҳим босқич, ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш ҳамда фаол ривожланиб бораётган стратегик шериклиқни янги амалий мазмун билан бойитиш учун яхши имкониятдир.

Ўзбекистонни ўзимга энг яқин, самимий дўст мамлакат деб биламан ва юртингизда меҳмон бўлиш менга ҳар гал алоҳида мамнуният бахш этади, — деди Ли Мён Бак. — Олий даражадаги учрашуларимизнинг мунтазамлик касб этгани келгусида ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Қайд этилганидек, амалда мамлакатларимизнинг глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича нуқтани назари ва ёндашувлари анъанавий тарзда ўхшаш ва яқиндир. Бу эса халқаро майдонда бир-бирининг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Корея Республикаси раҳбариятининг «соф ривожланиш» соҳаси ва экологик тоза технологияларни ривожлантириш борасидаги сиёсатини инобатга олган ҳолда, 2012 йилда БМТнинг иқлим ўзгаришлари бўйича ўн саккизинчи конференцияси Сеул шаҳрида ўтказилишини ёқлайди.

Айни пайтда Халқаро Олимпия қўмитасининг 2018 йилги Қишки олимпия ўйинларига мезбон этиб Пхьён-чхан шаҳрини танлашга оид қарори Ўзбекистонда мамнуният билан қабул қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббус билан Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудудга айланган ҳамда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлиқни сақлаш ва биргаликда тараққиётга эришишдаги ўрни ва бунга қўшаётган ҳиссаси Корея Республикасида юксак қадрланади.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашув чоғида ушбу мамлакатдаги воқеалар Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини яққол кўрсатаётгани таъкидланди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди.

Давлатимиз раҳбари Президент Ли Мён Бакнинг ушбу давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим воқеа эканини, қарор топган сиёсий мулоқот манتيқий ва изчил давом этаётганидан ҳамда давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги шериклик ва ҳамкорликка янада кучли суръат бахш этиш борасидаги қатъий азму шижоатнинг муштараклигидан далолат сифатида баҳоланишини таъкидлади.

Ўзбекистон Корея Республикасини шиддат билан ривожланиб, олдинга интилаётган, иқтисодий ва инсоний мезонлар бўйича илғор мамлакатлар сафида турайдиган ҳамда рақобатбардош индустриал-иқтисодий, илмий-интеллектуал ва юксак технологик салоҳиятга эга бўлган замонавий давлат, деб билади.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, узоқ муддатли ҳамкорлик йўлида босиб ўтилган самарали йўлга ҳолисона баҳо бериб, шунини айтиш мумкинки, Корея Республикаси Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича миллий дастурларни амалга оширишда ҳамда жаҳон ҳам-жамиятига босқичма-босқич интеграциялашишда мамлакатимизни кенг қўллаб-қувватлаган, вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, иқтисодий ва тижорий тўзилмалар, фирма ва компаниялар ҳамкорлиги нуқтани назардан, жумладан, гуманитар соҳада ҳам том маънода етуқлик, ҳар томонлама пухталиқ касб этиб, ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда ва мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI сadosi
аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ажойиб тухфа тайёрлади. Жамғарма томонидан янги «Фонд Форум» тақдим этади: Ўзбекистон» деб номланган китоб-фотоальбом нашр этилди. Шу муносабат билан Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида фотоальбомнинг тақдими бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Хўжакент» оромгоҳида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти томонидан «Ёшлар оромгоҳи — 2011» ташкил этилди. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда мазкур ташкилотнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари мутахассислари ҳамда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган кўнгилчилар иштирок этди.

● Наманган шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган «Маънавий етуқлик — баркамоллик белгиси» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

● Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги меҳнат ярмаркасида уч юздан ортиқ корхона ва ташкилот мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган қарийб 550 нафар кишига ишга йўлланма берилди. Ишга кирганларнинг кўпчилигини олий ўқув юрлари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар ташкил этади.

● Бир неча йиллардан бери дзюдо бўйича нуфузли мусобақаларда муваффақият қозониб келаётган спортчимиз Ришод Собиров Парижда бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати доирасида Халқаро дзюдо федерацияси томонидан жаҳоннинг бугунги кундаги энг кучли дзюдочиси, деб эътироф этилди.

● Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги «Бўстон» сихатгоҳида босма ва интернет нашрларда фаолият кўрсатаётган ёш журналистлар учун «Келажақ овози — 2011» ёзги медиа-оромгоҳи ташкил этилди. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган мазкур ижодий лойиҳа «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Перу Россиянинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига киришини қўллаб-қувватлашини билдирди.

● Испания парламенти давлат бюджети тақчиллигини камайтириш чора-тадбирларини маъқуллади ва Конституцияга ўзгартиришлар киритилишига розилик берди.

● Япония Бош вазири Наото Кан истефого чиқишини маълум қилди. Фақат у 29 августда партиянинг янги раҳбари сайланганидан сўнг ўз вазифасини тарк этади.

● Бўлиб ўтган муниципал сайловлардан сўнг Санкт-Петербург шаҳри губернатори Валентина Матвиенко ўз ваколатларини Георгий Полтавченкога топширди.

● Киев шаҳар суди Юлия Тимошенконинг ҳибсдан озод қилиниши тўғрисидаги талабини ўнинчи бор рад этди.

● Кеча АҚШнинг шарқий қисмида — Виржиния штатида 5,8 балли зилзила содир бўлди. Ер силқиниши туғдирган хавф боис мамлакат Конгресси ва Пентагон ҳодимлари эвакуация қилинди.

● Кеча Хитойда ўтказилган Бутунжаҳон универсиада йўнларни яқунланди. Умумжамоа ҳисобида Хитой, Россия ва Жанубий Корея талаба-спортчилари дастлабки учта ўринни эгаллашди.

● Мексика ҳарбийлари мамлакатнинг АҚШ билан чегарадош ҳудудида охирига етказилмаган 300 метрлик ер ости йўлини топдилар. Баландлиги 1,8 метр, эни бир метр узунликда қазилаётган бу йўл Мексиканинг Тихуана шаҳридаги уйлarning бирининг ҳовлисида бошланган. Ҳозирда бу ишларга алоқадор 10 киши ҳарбийлар томонидан қўлга олинган. Таҳминларга кўра бу йўл Мексикадан АҚШга гийванд моддаларни ноқонуний йўллар билан етказишга мўлжалланган.

● Швейцарияда нам қумдан ҳайкаллар ясаш бўйича ўн учинчи халқаро фестивал бўлиб ўтмоқда. Бунда иштирокчилардан нафақат сифат, балки ҳайкалларни бунёд этишда тезлик ҳам талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА



Сейтназаров Сарсенбай
Ержанович



Фарманов Александр
Касимович



Қосимов Хасанбой
Хатамович

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Сейтназаров Сарсенбай Ержанович — Тахтақўпир туманидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Фарманов Александр Касимович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси — бош директори

Қосимов Хасанбой Хатамович — «GM O'zbekiston» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш технологияси бўлими бош технологи, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САЊАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

1.Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781 сонли Фармонида санъат ва меъморчилик соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали мукофот ўрнига 2011 йил учун истисно тарихида 2 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

2.Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгагининг 2011 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида

— Абдумавлян Абдуллаевич Абдуллаев, Жўра Азимбаевич Мусаев, София Мамедовна Ризаева, Валентина Павловна Клятва — «Ғўза генофонди — пахтачиликдаги фундаментал, амалий тадқиқотларнинг базиси ва истиқболли ривожининг асоси» тадқиқоти учун;

адабиёт соҳасида

— Ҳабибулла Сайдуллаев (Ҳабиб Саъдулла) — (марҳум) — «Танланган асарлар» ва «Истиқлол достони» китоблари учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида

— Азамат Рамзитдинович Тохтаев, Илхом Жаббаров, Рустам Шанаметович Ерметовга — Тошкент шаҳрида барпо этилган «Мустақиллик ва эзгулик монументи» ва «Эзгулик аркаси» мажмуаларида амалга оширилган меъморий ва монументал санъат йўналишидаги ишлари учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида

— Мираҳмад Пулатович Юнусов, Тухтамурод Алимович Раҳимжонов, Хотам Анварович Сайдахмедовга — «Газ ва нефтни қайта ишлаш жараёни учун маҳаллий катализаторлар технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришини ташкил қилиш» технологияси учун;

адабиёт соҳасида

— Носир Йўлдошев Фозилова — «Топдиму йўқотмадим» китоби учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида

— Акмал Ваҳобжонов Нуриддинов (Акмал Нур)га — «Аҳли дил» асарлар туркуми учун;
— Владимир Иванович Бурмакинга — рангтавир асарлар тўплами («Шердорнинг намоён бўлиши», «Шарқона шаҳар», «Тунги Самарқанд», Ўзбекистон Республикаси Сенати биноси ва Тошкент аэропортидаги монументал рангтавир асарлари) учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 23 август

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

СТРАТЕГИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида муваффақиятли ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўпланди. Корея Республикаси мамлакатимизнинг энг йирик савдо шерикларидандир. Ўзаро ҳамкорлик даврида Корея Республикаси томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган сармоянинг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди, ўзлаштирилган, асосан тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан кўпроки ташкил қилади.

Жанубий Кореянинг «Неоплант» ва «Шиндонг Энерком» компаниялари таркибиде кварц мавжуд бўлган хомашё конларида қидирув ишларини олиб бормоқда ва яқин келажақда техник кремний ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда. «Дэу Интернешнл», «Хайнтекс», «Шиндонг Энерком» каби компаниялар билан тўқимачилик соҳасида қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. «Эл Жи Электроникс» компанияси билан бирга-ликда Самарқанд шаҳрида музлатгич ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш учун Жанубий Кореядан замонавий технологиялар жалб қилиш икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Жанубий Корея Президенти Ли Мён Бакнинг ташрифи доирасида икки томонлама сармоявий ҳамкорликка оид гоят муҳим лойиҳанинг амалий ижроси — Устюрт газ-кимё мажмуи қурилиши бошланганини, унга рамзий тамал тоши қўйилишини алоҳида таъкидлади. Бу мажмуани барпо этиш ишларига 2,6 миллиард доллардан ортиқ тўғридан-тўғри сармоя киритиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон нефть-газ, кимё, шарт-кон, машина-созлик, электротехника, фармацевтика ва энгил санаятга, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда энергия тейлаш ва энергия самарадорлигини ошириш технологияларини жорий қилиш соҳаларига Жанубий Корея компанияларининг сармоя ва замонавий технологияларини янада кенг жалб этишдан манфаатдор.

Ўзбекистонда Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш ҳамда

қитъалараро логистика марказини барпо этиш лойиҳаларининг Жанубий Корея ҳукумати ва ишбилармон доиралари томонидан қўллаб-қувватланаётгани юксак қадрланади. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги дастлабки маҳсулот айнан корейлик шериклар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилганида, шубҳасиз, чуқур маъно бор.

Навоий шаҳри аэропорти негиздаги қитъалараро интермодал хабини бошқараётган «Корейан Эйр» авиакомпаниясининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Бугунги кунда Сеул, Милан, Брюссель, Франкфурт, Бангкок, Мумбай, Истанбул, Дубай каби йирик шаҳарларга ҳафтага амалга оширилаётган 24 қатновга қўшимча равишда Ханой, Рига, Шанхай ва бошқа йўналишлар бўйича юк ташишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Музокарада томонлар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида маданий-гуманитар соҳаларда серқирра алоқалар қарор топганини таъкидлаб, келгусида таълим, жумладан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) йўналиши бўйича, тиббиёт, сайёҳлик, спорт соҳаларида, шунингдек, талабалар алмасуви ва илмий-академик доираларнинг муносабатлари каби соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун барча қулай шарт-шароитни яратишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Жанубий Корея раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Сеул боғи халқларимиз ўртасида йил сайин ривожланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг ўзига хос рамзи бўлишига шубҳа йўқ. Ҳам ўзбек, ҳам корей халқи учун қадрли бўладиган бу боғ Ўзбекистон пойтахтининг энг сўлими гўшаларидан бирида кўнра Корея маданияти ёғду таратадиган гўзал маскан вазифасини ўтайди.

Икки мамлакат маданият ва санъат намоёндалари Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда ўтадиган халқаро маданий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Самарқандда бўладиган навбатдаги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига Жанубий Кореядан ҳам санъаткорлар ташриф буюриши кутилмоқда.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкор-

ликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ўз ақсини толган.

Шунингдек, саноат ва энергетика соҳасида ҳамкорлик, инжиниринг хизмати, ускуна етказиб бериш ва қурилишга оид қатор ҳужжатлар имзоланди. Умуман олганда, ташриф доирасида умумий ҳисобда йигирмадан зиёд ҳужжат имзоланиши режалаштирилган бўлиб, улар Ўзбекистон-Жанубий Корея стратегик шериклигини қўллаб соҳаларда янги мазмун билан бойитиш ва ўзаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислам Каримов ва Ли Мён Бак музокаралар самарали, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини тубдан оширишга, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ислам Каримов Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида босиб ўтган барча йиллар давомида Корея Республикаси мамлакатимизнинг вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шериги бўлиб келгани ва бўлиб қолишини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва чуқур модернизациялаш бўйича кенг қўламли миллий дастурларимизни амалга оширишда юртимизни қўллаб-қувватлаётганини таъкидлади.

Ли Мён Бак жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, дунёдаги қўллаб мамакатларда иқтисодий пасайиш қузатилаётган бир пайтда Ўзбекистон барқарор юқори иқтисодий ўсишга эришаётгани таҳсинга сазовор эканини алоҳида таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб соҳаларда изчил ривожланаётганини, музокаралар чоғида келгусида муносабатларимизни янги сифат босқичига олиб чиқиш, амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларни якунига етказиш борасида биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олинганини қайд этди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Олим Тўрақулов,
ЎЗА мухбири

КАСБ-ҲУНАРЛИ ЁШЛАР — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда етук мутахассислар тайёрлашнинг замонавий тизими йўлга қўйилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ушбу тизимнинг энг муҳим бўгинидир. Мазкур босқичда ўқувчи-ёшлар нафақат замонавий билим, айти пайтда турли касб-ҳунарларни ҳам пухта эгаллайди. Шу боис касб-ҳунар коллежларида таълим сифатини мунтазам такомиллаштириб бориш, ихтисосликларни меҳнат бозорини ўрганган ҳолда ташкил этишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтига ўтказилган илмий-амалий конференцияда шулар ҳақида сўз борди. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини модернизациялаш: тажриба ва муаммолар» мавзусидаги ушбу анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими раҳбарлари ва ўқитувчилари, олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Э.Юсупов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори ўринбосари З.Худойбердиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши ва касб-ҳунар эгаллашида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизими яратилди.

Ўзлуксиз таълим тизимини шакллантириш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларини таъминлаган ўқувчиларнинг барчаси таълимнинг кейинги босқичи — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида тўла қамраб олинмоқда. Ёшларнинг мутахассисликларга қизиқиши ва жойларда ишчи кучига бўлган талаб мунтазам ўрганилиб, янги йўналишлар ташкил этилмоқда, айрим таълим муассасаларининг ихтисосликлари ўзгартирилмоқда. Бу эса касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим ўрин тутаётди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқинлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликларига мувофиқ ишга жойлаштирилишини таъминлаш юзасидан муҳим вазифалар белгиланди.

Илмий-амалий конференция ишида ушбу вазифаларни назарда тутган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини модернизациялаш, ўқитиш сифатини янада яхшилаш, унинг баркамол авлод тарбиясидаги ролини ошириш, битирувчиларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этишга оид масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

А.САДАВОВ,
ЎЗА мухбири

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Кейинги йилларда юрт ривожини, эл дастурхонини тўқинлигини йўлида хизматга бел боғлаган ишбилармон ва тадбиркорларга яратилган имконият ва қулай шарт-шароитлар туфайли улар сони ортиб, янги-янги корхоналар қурилиб, иш ўринлари кўпаймоқда.

Хусусан Сергели туманида яқинда нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «GRATSIYA PLUS» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Корхонага асбоб-ускуналар Россия давлатидан келтирилган бўлиб, бир кунда 12 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати эга. Йиллик қуввати эса 4380 тоннага тенг.

— Хали корхонамиз тўла қувват билан иш бошлагани йўқ, бир кунда 9.000 тонна нон маҳсулотларини ишлаб чиқаряптим, — дейди биз билан суҳбатда технолог Абдували Наралиев. — Асосан 1,2-ун комбинатларидан темир молдасига тўйинтирилган 1-навли унларни оламиз. Барча ишлар замонавий русумдаги технологиялар орқали бажарилди. Ҳозирча 25 нафар иш ўрни яратилди, кейинроқ улар сафи янада ортади. Мақсадимиз элимиз дастурхонига сифатли, мазали нон маҳсулотларини етказиб бериш.

Келажақда корхона ўз олдида нон маҳсулотлари турларини кўпайтириш, замонавий технологиялар келтириб янги иш ўринларини яратишни мақсад қилган. Янши ният билан иш бошлаган тадбиркорларимизга хайрли ниятларингиз ўзингизга ҳамроҳ бўлиб, келажак орзуларингиз амалга ошини, дея тилак билдираимиз.

Шоира МУХАМЕДОВА

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Тошкентда 23 август кунини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Корея Республикаси фонд биржаси (КФБ) ўртасида Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги бош шартнома имзоланди.

Ҳужжатни имзолаш маросимида икки мамлакатнинг қимматбахш қоғозлар фонди биржаси, банк-молия тизими, тегишли вазирлик ва идоралари, компаниялари раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда, жумладан, иқтисодиёт соҳасида ҳам изчил мустаҳкамланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашуварларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Умумий қиймати қарийб 6 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу бош шартнома икки давлат фонд биржалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, Ўзбекистонда он-лайн усулидаги янги фонд биржа инфратузилмасини яратиш учун замонавий ахборот технологияларини жалб этиш, он-лайн усулидаги IPO (акцияларнинг бирламчи оммавий жойлаштирилиши) ёрдамида ишбилармонлар учун янги ҳамкорлар топишни янада энгиллаштиришни кўзда тутди.


Иқтисодиёт ривожидида қимматли қоғозлар бозорининг муваффақиятли фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Корея Республикаси фонд биржаси ўртасида 2010 йилнинг декабрь ойида имзоланган Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тўғрисидаги энгиллашув меморандуми ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилаётди. Ҳужжатга кўра, икки мамлакат ўртасида мазкур тизимда мутахассислар малакасини ошириш ва ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилди.

КФБ қимматли қоғозлар билан муомала қилиш қўламли бўйича жаҳондаги энг пешқадам ташкилотлардан, савдо айланмаси бўйича энг йирик ўн фонд биржасидан бири ҳисобланади.

— Имзоланган ушбу бош шартномага кўра, корпорациямизнинг Ўзбекистон фонд биржасига юқори технологиялар етказиб бериши режалаштирилган, — деди ЎЗА мухбирига «Korea Exchange» корпорацияси раиси Бонг Су Ким. — Бу эса юртингизнинг жадал ривожланиб бораётган фонд бозоридида янада фаол иш олиб боришни учун улкан имкониятлар очишга хизмат қилади. Истиқболда Ўзбекистон билан яна қўллаб қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқомидир.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг раиси вазифини бажарувчи Азиз Абдуҳақимов ва Корея Республикасининг «Korea Exchange» корпорацияси раиси Бонг Су Ким имзолади.

Мадина УМАРОВА



Козим Ўлмасов олган суратлар



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2011 йилда эълон қилинган грантлар бўйича иккита танлов ғолибларига сертификатларни топшириш маросимида шу ҳақда сўз юритилди.

Унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, мамлакатимиз парламенти депутатлари ва сенаторлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова ва бошқалар мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) фаолиятини юзасидан қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилётганини, бугунги кунда уларнинг сони 1,5 мингдан ошганини таъкидладилар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2009 йил 1 июндан буён ўтказиб келинаётган республика грант танловлари бунга эркин мисол бўла олади. Жорий йил май ойида жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муҳим лойиҳаларни аниқлаш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, бошқа ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал

Ўзбекистонда демократик кадрларни мустаҳкамлаш, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу жараёнларда кучли фуқаролик жамиятини қуришда ўзига хос етакчилик вазифасини ўтайдиган нодавлат нотижорат ташкилотлар алоҳида ўрин тутмоқда.

этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган навбатдаги танлов босқичлари эълон қилинган эди.

Тадбирда уларда иштирок этиш учун нодавлат нотижорат ташкилотларининг килотлари умумий миқдори 371,2 миллион сўмлик грантларни олди. Улар орасида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази қошидаги ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш маркази, «Нихол» ташаббусларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш марказлари, «Ўзбекистон агро маслаҳат инновация маркази» нодавлат нотижорат ташкилоти, Тошкент вилояти «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар уюшмаси, Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий уюшмаси, «Армон» экологик уюшмаси ва бошқа қўллаб ташкилотлар бор.

— Охангарон туманида хусусий тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида 500 нафардан ортиқ хотин-қиз иш билан банд, — дейди ЎЗА мухбирига Тошкент вилояти «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Гулчехра Пулатова. — Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, билимларини ошириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш мақсадида маслаҳат марказини ташкил этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқдик. Лойиҳанинг Жамоат фонди томонидан қўллаб-қувватланди ва ажратилган грант марказини барча зарур ускуна ҳамда адабиётлар билан таъминлаш имконини берди.

392 та социал ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар келиб тушгани таъкидланди. Уларнинг 218 таси биринчи ва 174 таси иккинчи танлов бўйича тақдим этилган. Самарқанд, Тошкент, Фаргона, Наманган, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги жамоат ташкилотлари энг фаол иштирокчилар сифатида қайд этилди. Бу борада Парламент комиссияси қарорига кўра, республикамизнинг барча ҳудудларидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг 80 та социал аҳамиятга эга лойиҳалари танлаб олинди ва уларга 1,148 миллиард сўм ажратилди. Жумладан, биринчи лойиҳа бўйича 45, иккинчи лойиҳа бўйича 35 нодавлат нотижорат ташкилотлари ғолиб деб топилди.

Тадбирда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 26 нодавлат нотижорат таш-

С.ТОЖИЕВ

Амир Темур тарихи деганда, биргина соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти назарда тутилмай, балки салкам беш юз йил жаҳон майдонида ҳукм сурган, жаҳон харитасига ўзгартиришлар киритган шонли Темурийлар тарихи ҳам англашлади. Шу сабабдан ҳам Темурийлар тарихини ўрганиш, уларнинг жаҳон маданияти ва тарихига қўшган ҳиссасини тарғиб этиш мустақил Ватан зиёлилари ва олимлари олдида турган қутлуғ вазифалардандир.

Президентимиз ташаббуси билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги қарорига кўра ташкил этилган Темурийлар тарихи Давлат музейи бу борада муҳим ўрин тутди. «Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади», — деди Президентимиз Ислам Каримов 1996 йил 18 октябрь кун музейнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида. — Кимки, ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакда ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак».

Мустақиллигимизнинг меваси бўлган Темурийлар тарихи Давлат музейи маъмурияти ва илмий жамоаси ўз зиммасига юклатилган қутлуғ вазифани адо этиш йўлида, мана, ўн беш йилдики, самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Музей аjoyиб ҳазина маскани. Юнонча маъноси, музалар(илҳом парилари)га бағишланган жой дегани. Аслини олганда, илмий-маърифий тадқиқотлар олиб бориладиган маънавий маскани. Музейнинг бошқа ҳеч қандай маскан эга бўлмаган имконияти бор; бамисли ўзига хос кўп серияли фильмдай: унда бир неча асрларни бирданига ёнма-ён кўриш, завқланиш мумкин. Темурийлар тарихи Давлат музейи мамлакатимизда ному чиққан ана шундай масканлардан ҳисобланади.

Музей ходимлари, олимлари ва фаоллари тарихий, маданий, маърифий фанларнинг етакчи йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, республика ва хорижий мамлакатлар жамоатчилигини Темурийлар даври тарихи билан таништириш, Темурийлар тарихи даврига оид манбаларни тўплаш бўйича республика ва чет элларда изланиш ишларини олиб бориш, Амир Темур ва Темурийларнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ва топилмалар асосида ўзбек халқи тарихини ёритувчи доимий ҳамда муваққат экспозиция ва кўчма кўргазмалар ташкил этиш ишлари билан шуғулланишлар. Музейда бешта — фондлар ва архив, маънавий ва маърифат, экскурсиялар, реставрация ва кимё лабораторияси, экспозиция ва кўргазмаларни бадиий безаш ҳамда кутубхона бўлимлари мавжуд.

Ўзбек халқи тарихи, Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганиш ҳамда музейшунослик асосий илмий-тадқиқот йўналишларини ташкил қилади. Мақсад Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Музейда Соҳибқирон Амир Темур таваллуд кунлари доим уюшқоқлик билан нишонлаб келинади. Бу кунлар байрам бўлиб кетади, музей турли учрашувлар, семинарлар, мулоқотлар, анжуманлар, тадбирлар иштирокчилари билан гавжум бўлади.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига музей ходимлари катта тайёргарлик кўрдилар. «10 йилга — ўн кўргазма» номи маънавий-маърифий байрам тадбири жамоатчилиқда катта таассурот қолдирди. Айниқса, «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Амир Темур — Клавиго - Самарқанд», «Амир Темур ва темурийлар даври олимлари ва ёзувчилар наздида», «Шохруҳия — калъа шахри», «Хориждаги меросимиз», «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар», «Дастхатлар» каби мазмундор кўргазмалар кўпчилик томошбинлар диққатини ўзига жалб қилди. Шу йилги ўтказилган «Темурийлар давлатчилиги ва ренессанси» илмий-амалий анжумани қизиқ маърузаларга бой бўлди. «Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи билимдони» ва «Энг яхши шеър» танлови Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси билан бир-

галикда ўтказилди.

Тарих фанлари номзоди, доцент Нозим Ҳабибуллаев раҳбарлик қилаётган ушбу музейда Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишда олишлар, ёш истеъдодли тадқиқотчилар фаолият олиб боради. Ўтган давр мобайнида кўпгина тадқиқотлар лойиҳалари ниҳоясига етказилди. Чунанчи, «Чет элларда сақланаётган Темурийлар даври ашёлари каталоги» лойиҳаси бўйича Россия, Осиё ва Европа музейларида сақланаётган Темурийлар даврига оид ашёлар аниқлиниб, уларга мўхтасар илмий таърифлар ёзилди. Тўплаган ашёлар қўлёзма, амалий санъат турларига, миниатюра, ҳарбий анжомларга ажратиб чиқилди, барчасининг фотосуратлари йи-



Шаҳримиз музейларида МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

гилди. Каталогда баъзи осори-атиқаларнинг хориж музейларига қай тарзда бориб қолганини тўғрисида маълумотлар ҳам илова қилинди. «Тошкент — ислом маданияти пойтахти», «Темурийлар даври маданий ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши», «Темурийлар даври ренессанси» фундаментал тадқиқотлари ҳам эътиборга сазовордир.

«Темурийлар даври маданий ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши» (лойиҳа раҳбари Н.Ҳабибуллаев) лойиҳаси ҳам мавзу доираси, ҳам илмий салмоғи билан диққатни ўзига тортади. Изланишлар туфайли хорижда Темурийлар даврига оид қўлёзмаларнинг ўрганилишига доир материаллар, маълумотлар тўпланди. Мавзуга оид манбалар энг кўп сақланган Эрон, Туркия, Англия, Франция ҳамда Россия мамлакатларидаги қўлёзмалар фондларидаги ёзма манбаларнинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этиб чиқилди. Эрон мамлакатидан нашр этилган Темурийлар даврининг Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, ҳофизи Абрў, Хондмир каби ва бошқа таниқли муаррихларнинг тарихий асарлари, адабий жандарга манбалар ҳақидаги маълумотлар эътиборга моликдир. Россия Фанлар академияси Санкт-Петербургда филиалнинг интернет сайти асосида тарихчи олим О.Акимовнинг Абдурахмон Жомийнинг ушбу фондда сақланаётган «Девон» (милодий 1463 йилда кўчирилган) ҳамда 10 та миниатюра ишланган «Юсуф ва Зулайхо» дostonи(милодий 1483 йилда кўчирилган) қўлёзмалари ҳақидаги тадқиқотлари, Камолдин Бехзод ижодий фаолиятини ёритувчи манбалар тадқиқига бағишланган мақолалари таҳлил этилди. Тадқиқотлар жараёнида Темурийлар даврига оид Туркияда чоп этилган 10 та асар тадқиқ қилиниб, қимматли маълумотлар илмий муомалаларга киритилди.

«XIX аср охири — XX аср бошларида тошбосмада нашр этилган дарсликлар»(лойиҳа раҳбари тарих фанлари номзоди О.Буриев) лойиҳаси ҳам илмий аниқлиқларга бой бўлди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Музейда илмий-амалий анжуманлар ўтказиш яхши анъана айланган. «Темурийлар тарихига оид манбалар» деган умумий ном остида ўтқизилган анжуманларда республиканинг таниқли олимларидан тортиб ёш тадқиқотчиларга ўз маърузалари билан қатнашадилар. Конференциялар материалларининг алоҳида китоб ҳолида нашр этилиши жуда қувонарлидир. Шу пайтгача тўртта тўплам нашр этилди. Яқинда 2009 йил 20 октябрда бўлиб ўтган «Тему-

рийлар тарихига оид манбалар: тавсиф, таржима, тадқиқот» конференцияси материаллари бешинчи китоб сифатида чоп этилди(масъул муҳаррир Н.Ҳабибуллаев, илмий муҳаррир О.Буриев). 27 та Темурийлар даврининг турли соҳаларига бағишланган мақолалар жалланган ушбу китобда республикамиз олимларидан ташқари озарбойжонлик олимларнинг ҳам иштирок этиши ҳамда айрим мақолаларнинг рус тилига таржима қилиниши наъшонинг халқаро нуфузини оширган. «Темур тузуқларини ўрганишдаги баъзи муаммолар»(Ашраф Аҳмедов), «Амир Темурнинг Озарбойжондаги бунёдкорлик фаолияти ҳақида археологик маълумотлар» (Сабуҳи Аҳмедов), «Темурийлар даври манбаларидаги тарихий географияга оид маълумотларни ўрганишга доир» (Омонлло Бўриев), «Ғарб шеъриятида Амир Темур сиймоси»(Аҳмадбек Алимбеков), «Темурийлар даври ёрликлар муржоат қисмининг тузилиши тўғрисида» (Қудратилла Омонов), «Шохруҳ Мирзонинг уйғур ёзуви ёрлиги» (Қосимжон Содиков), «Америка адабиётида Амир Темур сиймосининг дастлабки талқинлари» (Томас Годфрейнинг «Парфия шаҳзодаси») номи пьесаси асосида» (Р.Собиrow, Р.Абдуғафуров), «Шарқшуно А.З.Валидов «Мемуарларида» Амир Темур ва Темурийлар даврига оид ёзма манбалар» (А.Мадримов), «Озарбойжон тарихи миллий музейи коллекциясидаги тангалар Темурийлар тарихи бўйича манба сифатида»(Али Ражабли) каби ва бошқа мақолалар Темурийлар тарихи билан қизиқувчилар учун янги маълумотлар бера олади.

Темурийлар тарихи Давлат музейида қизгин фаолият олиб боришда, илмий изланишлар яхши самаралар бермоқда, музей тобора халқимизнинг сүйиб зиёрат этадиган масканларидан бирига айланмоқда. Йилга икки ярим мингдан ортиқ экскурсиялар уюштирилади, кам деганда 65 мингдан ортиқ томошбин таъриф буюради, улар ичидан мактаб ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрталари талабалари, мамлакатнинг олис худудларидан келган жамоатчилик вакиллари бор. Кўпдан-кўп давлат расмий меҳмонлари, хорижий давлат раҳбарлари, пойтахтимизда фаолият юргизаётган элчихоналар вакиллари келиб музей залларини томоша қиладилар.

Музей жамоаси Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Кейинги пайтларда музейга ёш авлод вакилларининг кўплаб таъриф буюришлари қувончли ҳодисалардан бири эканини айтиб ўтиш керак. Айниқса, ёш келин-кўвёллар никоҳдан ўтишдан кейин, Амир Темур хайкали пойига гуллар қўйишда, музейга қадам ранжиди айлаб, улуг боболар руҳини зиёрат қилишлари яхши анъана тусини олмақда. Биз ёшларимизни бу борада яна ҳам рағбатлантиришимиз керак.

Мустақил Ўзбекистон пойтахти Тошкентда кўзаларни қувнатадиган, тож мисоли ярақлаб турган бир бино бор, бу — ўзининг ўн беш йиллигини нишонлаш арафасида турган Темурийлар тарихи Давлат музейи. Унинг чинакамига маданиятимизнинг тожи бўлиб қолишига асло шубҳа йўқ.

**Мухаммад АЛИ,
Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, профессор,
Давлат мукофоти лауреати**

Ислоҳотлар оқимида

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани Мустақилликнинг ўтган йилларида мамлакатимиз энгил саноятини ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилган ишлар, янги лойиҳалар самараси ҳамда муаммолар ечимига бағишланди.

Анжуманда таъкидланганидек, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори тармоқ ривожига муҳим аҳамият касб этиб, унга кўра дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга асосан умумий қиймати 1,5 миллиард долларлик 55 та янги инвестицион лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бу лойиҳалар асосан энгил саноят кам ривожланган минтақаларда амалга оширилади. Дастурда 2015 йилда юртимизда етиштирилган пахта толасининг салкам 70 фоизи, яъни 635 минг тоннасини қайта ишлаш қувватларини яратиш кўзда тутилган бўлиб, бунинг натижасида калава ип ишлаб чиқариш 2,6, тайёр ип газламалар 2,8, тикув-трикотаж буюмлари тайёрлаш 1,7 баробарга ошиши кутилмоқда.

Бугунги кунда компаниямиз таркибиде 265 та тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж ва ипакчилик корхоналари мавжуд. — дейди «Ўзбекенгилсаноят» ДАК бошқаруви раиси Илҳом Хайдаров. — Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхоналаримиз йилга 373 минг тонна калава ип, 282 миллион квадрат метр ип газлама, 81,8 минг тонна трикотаж мато, 168 миллионга тикув-трикотаж маҳсулотлари ва 71,3 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эгадир. Жорий йилда корхоналаримиз томонидан 1,56 триллион сўмлик саноят маҳсулотлари, шу жумладан 421,1 миллиард сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳсулот экспорти 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 160,8 фоизга ошган. Жаҳон андозлари даражасидаги маҳсулотлар дунёнинг 40 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бу, албатта мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қўрилган амалий чора-тадбирлар самарасидир.

Ҳозирда энгил саноятнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидеги улуши 2,7, саноят ишлаб чиқаришида 26, истеъмол товарлари тайёрлаш ҳажмида 44 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Бундай юксак кўрсаткичларга эришишда мамлакатимизда маҳаллий ва хорижий инвесторларга яратилган қулай шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этганлиги ҳам таъбирда алоҳида таъкидлаб ўтилади. Ўтган йилда тармоққа 119,4 миллион доллар миқдорда хорижий инвестиция жалб қилиниб, 27 та корхона иш бошлаган бўлса, жорий йилда 150 миллион доллар миқдорда инвестицияларни жалб этиш ва 28 та янги корхонани ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, матбуот анжуманида жорий йилда экспорт ҳажмини ошириш, «маркетинг хизматларини ривожлантириш ҳақида ҳам айтиб ўтилди. Журналистлар ўз саволларига мутасаддилардан батафсил жавоблар олишди.

Шарифа ИЛЁSOBA

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқларни халқимизга етказиш, ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камолга етказишда кино санъатининг ўз ўрни бор.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгига йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган «Истиқлол солномаси» танлови бу борадаги ишларни янада кенгайтириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Республика Киночилар уйида мазкур танлов ғолибларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган тадбирда драматурглар, режиссёрлар, санъатшунослар, актёр ва актрисалар, санъат ихлосмандлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган ушбу танлов «Ўзбекистон» миллий агентлиги, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида ўтказилди.

«Ўзбекино» миллий агентлиги бош директори вази фасисини бажарувчи А.Исҳоқов, республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида кино санъати ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартда қабул қилинган «Кинематография соҳасида бошқариш тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бунда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Истиқлол йилларида юртимиз киноижодкорлари томонидан яратилган, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаёт манзаралари акс эттирилган қатор кинофильмлар нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда кенг жамоатчилик эътиборини қозонди. Бир қатор бадиий ва мультимедия фильмларимиз халқаро кинофестивалларда совринли ўринларни қўлга киритди.

«Истиқлол солномаси» танловига тарихий воқеалар, мустақилликдан сўнг Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида рўй берган буюк ўзгаришларни ўзиде акс эттирган турли жанрлардаги юзга яқин киноасар тақдим этилди.

Танловда «Энг яхши ҳужжатли фильм» номинацияси бўйича режиссёр Қаҳрамон Ҳасановнинг «Регистон — Самарқанд гавҳари», «Энг яхши миллий сериал» номинациясида режиссёр Нуриддин Қосимовнинг «Сержанлар» фильми ҳамда «Энг яхши мультфильм» номинациясида режиссёр Нозим Тўлаҳўяевнинг «Фарҳод ва Ширин» картиналари ғолиб деб топилди. Шунингдек, бир қатор асарларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

**Гўзал САТТОВОВА,
ЎЗА мухбири**

Кичик бизнес

СИФАТЛИ ОШ ТУЗЛАРИ

Ош тузи рўзгорда ҳар кунни фойдаланиладиган ва истеъмол қилинадиган озик-овқат маҳсулотлари сирасига қиради. Талаблар даражасида йодланган туз маҳсулотлари эса саломатлигимиз гарови, дунё бўйлаб муаммога айланган бўёқ касаллигининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ош тузининг йодланиш даражаси, фойдаланиш муддати, тозаллиги ва сифати эътибор қаратаётган «AGROINTER-SOF» кўша корхонаси литвалек шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган. Корхона цехларининг Испаниядан келтирилган юқори унумли замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлангани тадбиркорларга қўл келиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот буюртмачиларга ўз вақтида етказиб берилмоқда. Қадокланишига қаратилган эътибор эса унинг хариддорлигини оширяпти.

Маҳаллий хом ашё Учкудукдан келтирилади. Уни қайта ишлаш асосида эса 4 турдаги ош тузи тайёрланиб, қадокланмоқда. Меҳнат қилаётган 20 нафар ишчи-хизматчининг саъй-ҳаракатлари самара бериб, хариддорлар сафи ҳам, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати йилга 20 тоннани ташкил этади. Келгусида маҳсулот экспортини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Дилноза СОДИКОВА

Муסיқа садолари остида бошланган мазкур анжуман шодиёна байрам тусини олди. Мактаб фойесида таълим муассасалари томонидан Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб тайёрланган кўргазмалар, таълим муассасаси фаолияти ҳақида маълумот берувчи буклетлар, барча умумтаълим муассасалари раҳбарларининг Энг улуг ва энг азиз байрамимизга бағишланган дарс ишланмалари, мактабгача таълим муассасалари мудирларининг методик ишланмалари намойиш этилган альбомлар. «Мустақил Ўзбекистон — менинг тасаввуримда» мавзусида тайёрланган таълим муассасаларининг ижодий ишлари йиғилган раҳбарларнинг тортди. Йиғилишда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака-



сини ошириш институтини вакиллари ҳамда Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари раҳбарлари, захматкаш ва фахрий ўқитувчи педагоглар иштирок этишди. Анжумани Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудир Сарвар Маҳмудов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни аввало яқинлаштириб келаятган Истиқлолимизнинг 20 йиллиги ҳамда янги ўқув йили билан муборакбод этди ва «Мустақиллик йилларида республикамизда амалга оширилган таълимий ислоҳотлар ва истиқболдаги вазифалар» ҳақида сўзлади. Шундан сўнг йиғилиш ишти-

Айни кунларда халқ таълими муассасаларида янги ўқув йили олдиан анъанавий август Кенгашлари бўлиб ўтмоқда. Кунни кеча Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Таълим жараёнини тақомиллаштириш ва унинг сифатини оширишдаги муаммолар ва ечимлар» мавзусида анъанавий август Кенгаши ўтказилди.

Анжуманлар

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

рокчиларининг «Таълим жараёнини тақомиллаштириш ва унинг сифатини оширишдаги муаммолар ва унинг ечимлари» мавзусида давра суҳбати ноанъанавий тарзда очик мулоқот асосида ўтказилди.

— Маълумки, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ва ҳаракатга келтирувчи куч ҳар томонлама ривожланган баркамол инсондир. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини ижтимоий таърибга таъинган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилган, — деди биз билан суҳбатда Шайхонтоҳур туман ХТМФМТТЭБ мудир С.Маҳмудов. — Бугунги кунда таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқинга кўтариш диққатимиз марказида бўлмоғи керак. Ҳозирги кунда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфида 90 та таълим муассасалари бўлиб, шундан умумтаълим

мактабларида жами 32782 нафар ўқувчи таълим олмақда. Мактабгача таълим муассасаларида эса 10045 нафар кичкин-тўй тарбияланмоқда. 2011 йилнинг июнь, июль ва август ойларида мактаблар қошида ёзги спорт соғломлаштириш майдонлари ташкил қилинди ва 12109 нафар ўқувчи жалб этилди. 115, 316, 169-мактаб ва 98- мактаб-интернатлар қошида ёзги оромгоҳлар ташкил қилинди. Жорий йилда 82- умумтаълим мактабида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. 10, 113-умумтаълим мактабларида эса Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан янги замонавий спорт зали қуриб фойдаланишга топширилмоқда.

Долзарб мавзудаги маърузалар, таклиф ва тавсиялар асосида қизикarli ўтган анжуманда келгуси режалар белгилашиб, муаммо ва унинг ечимлари келишиб олинди. Йиғилиш сўнгида фахрий ва фидойи ўқитувчилар Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Шайхонтоҳур туман ХТМФМТТЭБ томонидан муносиб тақдирланди. Қувноқ ва дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар йиғилиш иштирокчилари қалбига ҳушнудлик ва яхши кайфият бағишлади.

**Дилором ИКРОМОВА
Алексей Попов олган сурат**

АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ АҲЛИНИ

Мустақиллигимизнинг шонли

20 йиллиги

билан самимий муборакбод
этамиз. Сизларга ҳамиша
мустаҳкам соғлиқ, серзавқ ҳаёт
ва улкан омадлар тилаймиз.

Доимо соз-омон бўлинг, азизлар!

«ОУБЕК ОТЧОПАР ПЛАСТИК»

КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ


*Улуғ айём — Ватанимиз
Мустақиллигининг*

20 йиллик

*тўйи муборак бўлсин, азиз
пойтахт меҳнаткашлари!*

*Ҳаммамизга ҳамишалик зафар,
ишларимизда омад ёр бўлсин.*

Эзгу тилаклар билан



«SAF-SAYDO»

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

“АСЛ ОЙНА”

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Сиз азиз юрtdошларимизни
Истиқлол айёлининг кутлуғ 20
йиллиги билан муборакбод этади
ва оилавий бахт, барга
илларингизда улкан
муваффақиятлар тилайди.*

**Сухат-саломатлик,
омад ва бахт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!**



«STAR POLIGRAF SERVICE»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕklangан ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча юрtdошларимиз ва ҳамшаҳарларимизни

мамлакатимиз Мустақиллигининг
ўнгирма йиллиги билан кутлайди.

Халқимизга хос меҳмондўстлик

ва баэрикенглик сизларни ҳеч қачон

тарк этмасин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,

сарҳадларимиз дахлсиз,

хонадонларимиз обод бўлсин!

MAKON



KAPITAL INVEST

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗ ВА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

*Жонажон Ўзбекистонимиз
мустақиллигининг*

20
*йиллиги билан чин кўнгилдан
кутлаймиз.*



*Истиқлолимиз абадий, юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша
мусаффо бўлсин.*

«MAKON-KAPITAL-INVEST» КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

КАДРЛИ ХАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

«ШИФО НУР» СЕРВИС ҚОШИДАГИ «ФУНЧАМЕД» ХУСУСИЙ КЛИНИКАСИ ЖАМОАСИ

Барчангизни
Мустақиллигимизнинг 20
йиллик шодиёнаси билан
чин дилдан муборакбод
этади.



Заминимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз соғ-омон,
хонадонларимиз обод бўлсин. Нурафшон юртимиз узра Истиқлол
қўйлари баралла янгрисин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
йилида Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида эзгу ният
билан бошлаган ишларимиз ҳамisha хайрли бўлсин.



«B.K.INTRANS»

ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимиз ва барча транспорт
соҳаси ходимларини



Энг улуғ, энг азиз шодиёна —
Истиқлолнинг қутлуғ 20 йиллик тўйи
билан самимий муборакбод этади.

Ҳар бир кунингиз хайрли, ишингиз унумли, кўнглингиз
равшан, йўлингиз равон, орзуларингиз ойдин, юртимизнинг
истиқболи порлоқ, халқимиз-турмуши фаровон бўлсин!

Байрамингиз билан азизлар!



АЗИЗ ХАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз —
серқуёш диёримиз Истиқлолнинг
20 йиллик айёми билан чин дилдан
муборакбод этамиз.

Ҳар бир тармоқда, соҳада амалга оширилган
улкан янгиланишлар, ислохотлар изчил давом

этаверсин. Осмонимиз мусаффо,
ҳаётимиз доимо тўкин бўлсин.

Ҳар бир оилада тинчлик,
осойишталик ҳукм суришига тилакдошимиз.

Келажагимиз ворислари

бўлмиш ёшларимиз билимли,

доно ва зукко бўлиб вояга етсин.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин.

«RANO BOTTLERS» масъулияти

чекланган жамияти жамоаси

КАДРЛИ ХАМИШАХАРЛАР!

Сизларни шонли Истиқлолимизнинг
20 йиллик байрами билан
тин қалбдан қўтлаймиз.

Ватанчилигимизни энг ақил-ақилоли бўлишида
сағи-ҳаракатларимизда бирганимизга улкан снад
ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

«ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

КАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР
СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

барчангизни
Истиқлолимизнинг 20 йиллик байрами билан қизғин
муборакбод этади.

Халқимизга бахт-саодат, ёрқин
устикбол тилаб қоламиз. Барча
орзуларингиз ижобат бўлсин.
Хар ҳафтанинг жума кунига
«Очиқ эшиклар кун» ўтказилишини
эслатиб ўтамиз.

Мурожаат учун телефон: 227-10-03

АЗИЗ-ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни дилларимизни қувонча
тўлдуриб кўриб келаётган Энз оғуз ва
улуғ байрам — Истиқлолимизнинг
ўзгирма йиллиги шодуёналари билан
қўтлаймиз. Дилларимизни эзулик,
шодлик, шукроналик ва меҳр-
муҳаббат асло тарқ этмасин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА ТИББИЁТ
ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ

Истиқлол кечаларидан
баҳра олаётган, мустақилликни
мустақамлаш йўлида шараф оқинлаётган
қадрли хамшаҳарлариниз, қалби қайноқ
тадбиркорлар! Эрк ва озодлик айёми —

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

Билан сизларни тин қалбдан табриқлаймиз.
Хонадонларингизда шоду ҳуррамлик, айро
шарифа аринсин, саломатлик
қамроқиниз бўсин!

«НАУОТ» мажмуаси жамоаси

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежи ўзида мавжуд бўлган 1973 йилда қурилган таъмирталаб ошхонани ижарага беришини маълум қилади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида 6 ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техника базаси ва озик-овқат технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган юридик шахслар иштирок этиши мумкин:

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
2. Умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолият, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;
3. Махсус моддий-техник база ва озик-овқат технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 8-мавзе, Лутфий кўчаси, 47-уй
2-Тошкент юридик коллежи биноси.
Тел: 273-85-92, 273-88-94

Мамлакатимизда ҳуқуқий маданият ва таълимни янада юксалтириш йўлида кенг қўланиш ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир.

ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан нашр этилган «Давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан олимпиадада иштирокчилари учун ўқув қўлланма» китоби ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Адлия вазирлигида мазкур китоб тақдимотида бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида гап борди. Тадбирда ушбу вазирлик ва бошқа тегишли ташкилотлар, олий таълим муассасалари масъул ходимлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон адлия вазирининг ўринбосари Қ.Тоғаев мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини, бу эса демократик ҳуқуқий давлат

ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Юсак ҳуқуқий маданият жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, уларнинг амалдаги ихросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалиётга татбиқ этишининг муҳим омилдир.

Бу жараёнда, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва билимининг ҳар томонлама мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур янги қўлланма бу йўналишда ўқувчиларнинг билим ва маҳоратини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

(ЎЗА)

Тошкент Молия институти «Бухгалтерия ҳисоби», «Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедралари мудир ва қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) «Чет тиллари» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Банк иши» катта ўқитувчи; «Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» катта ўқитувчи; «Жисмоний тарбия ва спорт» катта ўқитувчи; «Бизнес ва иқтисодиёт» катта ўқитувчи; «Молия» катта ўқитувчи; «Молия инжиниринги ва бозорлар» катта ўқитувчи; «Информацион технологиялар» катта ўқитувчи; «Иқтисодиёт назарияси» катта ўқитувчи; «Педагогика ва психология» катта ўқитувчи; «Бухгалтерия ҳисоби» доцент; «Бюджет ҳисоби» катта ўқитувчи; «Математика» доцент, катта ўқитувчи; «Аудит» доцент, катта ўқитувчи; «Молиявий менежмент» доцент, катта ўқитувчи; «Солиқ ва солиққа тортиш» катта ўқитувчи лавозимларига **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати – эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.
Тел: 234-83-99, 421-32-00

Ректорат

ЎЗГИ МАВСУМ МАЗМУНЛИ ҲУҚУҚИЙ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Меҳнат аҳлининг фарзандларини ёзги таътил кунларида соғломлаштириш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш пойтахт касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши фаолиятидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, бу борада режа асосида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, шаҳар ҳокимияти, шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 20 йиллигининг нишонланиши билан боғлиқ ҳолда тузилган дастур тадбирлари асосида ташкил этилмоқда. Жумладан, оромгоҳларга сеvimли шоирлар, адиблар, журналистлар, таниқли санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари тақлиф этилиб, болалар фаол иштирок этган ҳолда «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Менинг жонажон Ватаним» мавзудаги мушоиралар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда ва мазкур маданий-маърифий тадбирлар болаларга унутилмас лаҳзаларни ҳаётиёб, уларга завқ-шавқ бағишлаб, тарбиявий аҳамият касб этиб, уларнинг камол топишига хизмат қилиши билан эътиборга лойиқдир. Кутубхоналар лотин алифбосидаги китоблар,

маънавият-маърифат хоналари кўргазмалари материаллар ва техник воситалар, тўғрақаракат ўтказиладиган хоналар эса керакли ашёлар билан жиҳозланган. Барча оромгоҳларда болалар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш мақсадида ички ишлар идоралари томонидан бириктирилган ходимлар хизмат кўрсатмоқдалар.

Оромгоҳлар азиз болажонларнинг шўх-шодон, завқ-шавққа бой самимий кулгу-си, катталарга ҳурмат билан салом бериши, гўзал одоби, самимий дил сўзлари, мазмунли маънавий-маърифий тадбирлар, турли спорт мусобақалари билан янада файзлидир. Оромгоҳларда дам олаётган болалар билан суҳбатлашган киши бу фикрнинг ҳолислигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиб, бир олам таассуротлар билан қайтади.

Шаҳодат Тўлаганова,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудир

Танловлар

МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ

Юртимизда имконияти чекланган болаларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш орқали уларни жамиятга тўлақонли жалб қилишни таъминлаш йўналишида қатор ташкилотлар томонидан мақсадли тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг оналар ва болалар соғлигини муҳофазалаш, болалар ўртасида ногиронликни камайтириш ва бошқа қатор аниқ чора-тадбирлар натижасида ўтган кеска давр мобайнида имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий ҳимояси, уларни тиббий-ижтимоий реабилитация ва жамиятга тўлақонли интеграция қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Энг муҳими, имконияти чекланган ёшларнинг қобилият ва истеъдодини тўлақонли юзага чиқариш борасида мухталиф турли кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, иқтидорли ногирон болалар ўртасида ҳар йили «Мафтункор ранглар олами» деб номланган тасвирий санъат бўйича бадиий ижодий кўрик-танлов юқори савияда ўтказиб келинмоқда. 16 йилдан буён ҳар йили ушбу танловнинг туман, вилоят ва республика босқичлари ташкил этилиб, республика босқичида 1995 йил-

дан буён икки ярим минг нафардан ортиқ ногирон болалар иштирок этиб келади.

Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, Ўзбекистон Бадиий академияси, Маданият ва спорт ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, «Ўзбекнаво» бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Sen yolg'iz emassan» Республика болалар жамоатчилик жамғармаси ташаббуси билан уюштирилаётган танловнинг навбатдаги финал босқичи Тошкент шаҳрида ўтказилди. Тузилган комиссия қатнашчиларнинг чизган расмларини кўриб чиққан ҳолда голиб ва совриндорларни аниқлади. Ҳақиқатан ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Бу йилги кўрик-танлов мустақиллигимизнинг



20 йиллиги арафасида ўтказилаётганлиги ҳам болалар қувончига қувонч қўшди.

Танлов сўнгида ўзбек эстрадасининг ёрқин юлдузлари иштирокида концерт дастури уюштирилди.
Нигора Тўлаганова
Алексей Попов олган сурат

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Низом ул — Мулк деган вазир олижаноб ва одил экан. Биров ҳада келтирса, барчага баравар бўлиб бераркан. Бир куни бир боғбон унга учта эртанги бодринг келтирибди. Вазир бирин-кетин учала бодрингни ўзи еб қўйибди — да, боғбонга минг динор инъом берибди. Вазир боғга дам олгани чиққанида унинг бир мулозими сўрабди:

— Жаноб, сиз нима учун учала бодрингни бир ўзингиз едингиз, бундай одатингиз йўқ эди-ку?!

Одил вазир унга мулойимлик билан жавоб қилибди:

— Бодринглар тахир экан, бошқаларга берсам, тахирлигига чидалмай, боғбонга ёмон сўз айтиб юборардилар, унинг дили озор чекарди.

Яхшиликни раҳмдил, меҳрибон кишилардан кутинглар. Шунда сиз улардан умид қилган марҳаматга эришасизлар. Тошбағир, қаттиққўл, бераҳм одамдан зинҳор яхшилик кутманг. Аллоҳ таоло яхшиликни яратганда унинг ўз аҳлини ҳам алоҳида яратган ва уларга яхшилик ва хайрли ишларни яхши кўрсатиб қўйган. Шунинг учун улардан ким яхшилик кутса, албатта мақсадига эришади. Бунинг мисоли чанқок, бўз ерга сув қуйиб юборилса, у ер қанчалик яшнаб ер эгаларини сероб қилгани каби яхшилик аҳли ҳам одамларга шунчалик манфаат ва баҳра етказиши. Бу дунёдаги яхши кишилар охи-ратда ҳам яхшилар қаторида тургай.

Яхшилар кетидан агар чопарсан, Истагинг, бахтингни шундан топарсан.

Бир ҳақимдан сўрадилар:

— Дўстларингдан қай бири ҳаммасидан ҳам кўра сенга кўпроқ ёқсади ва биродарлик даражасига етди ва қай бирига юрагингга муҳаббатинг кучлироқдир, қай бирини ўзгача меҳр, интиқлик билан эсга олсан?

Ҳақим эса уларга деди:

— Айб қилсам, яширадиган ва узр сўрасам, кечирадиганини, доим ҳам очик чеҳра, майинлик билан мени қарши оладиганини!

Шоир айтганидек:

Одам айблардан ҳоли эмасдир, Дўст улки, айбингни яширар ҳар он. Ёмонлик қилсанг ҳам, кечирар сени, Хафа қилсанг, сени кўрмайди ёмон. Узр сўрасанг гар, қабул қилади, Аммо талаб қилмас буни ҳеч қачон!

Бир улуг киши айтди: «Кишининг қалбида тўрт гавҳар бўлиб, бу тўрт гавҳарнинг тўртта душмани бордир. Биринчиси — ақл гавҳари, унинг душмани газабдир. Иккинчиси — илм гавҳари, унинг душмани такаббурликдир. Учинчиси — қаноат гавҳари, унинг душмани ҳирсдир. Тўртинчиси — сахийлик гавҳари, унинг душмани таъмадир».

(Давоми бор)

Айни кунларда мамлакатимизда Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида ҳамюртларимиз, айниқса, байрам нашидасидан завқланаётган ижодкорлар — хоҳ шоир бўлсин, хоҳ ёзувчи ёки тасвирий санъат усталари барчанинг илҳом булоғи қайнаб, гўзал ва бетакрор асарлар яратишмоқда.

Кўргазмалар

ИЖОДКОРЛАРНИНГ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Энг улуг ва энг азиз байрамимизга бағишланган «Ўзбекистон рассомлари — мустақиллигининг 20 йиллигига» номли кўргазма очилди. Ушбу кўргазмада рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик, халқ ва амалий безак санъати асарлари ўрин олган бўлиб, республикамиз вилоятларидан қатнашаётган серқирра ижод соҳиблари ўзларининг 20 йил давомида яратган энг сара санъат асарларини намойиш этишмоқда. Мазкур асарларда гўзал диёримизнинг тарихий обидалари, буюк шахсларнинг портретлари, ўлкаимизнинг кенг водийлари, аёлларнинг мафтункор тимсоллари ва яна кўпгина намуналарни учратиш мумкин. Шунингдек, уста кулолларнинг нақшинкор ва нафис санъат асарлари кўргазмага тақдим этилган.

Кўргазма экспозициясидан 230 рассом ва усталининг 500 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Рангтаъсир экспозициясида томошабинлар анъанавий реализмдан тортиб, авангарднинг турли хил оқимларига мансуб намуналарини кўришлари мумкин. Етук мусаввирлар билан бир қаторда ёш рассомлар Тимур Раҳметов, Сардор Аллаберганов, Элмурод Холиқбердиев, Феруза Эркабоева сингари ёшларнинг ишлари ҳам санъат ихлосмандлари эътиборини тортмоқда.

Дастгоҳли ва китоб графикасидаги турли хил изланишлар эса янада диққатга сазовор. Мавзулари турлича бўлган бу санъат вақиллари ижодий изланишлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу жандар салмоқли ижод қилаётган Марат Содиқов, Лежим Ибрагимов, Радик Азизов, Дамир Уразаев, Тимур Саъдуллаев, Флорида Гамбарова, Аслидин Калонов кабиларнинг асарлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ҳайкалтарошлик тасвирий санъатда ўзига хос ўрин эгаллайди. Ушбу кўргазмада Тўлаган Тохижўяев, Азамат Хотамов, Жалолдин Миртожиев, Баёт Мухторов каби қатор ҳайкалтарошларнинг асарлари намойиш этилган. Уларда замондошимиз ва буюк алломаларга бағишланган турли психологик ҳолатларни кўриш мумкин, ечимлари ўзига хос бу композициялар услубларида етук санъаткор маҳорати томошабинни мафтун этади.

Замонавий амалий-безак санъати янги таъмоиллар, услублар, шакллар изланишларига асосланган бўлса, халқ амалий санъатида миллий анъанавийлик ва бадиий мактаблар давомини кўриш мумкин. Бундай янги изланишлар кулолчилик соҳасида Назира Қўзиёева, Моҳинур Мақсумовларнинг ижод намуналарида ўз ифодасини топган. Халқ санъати жозибасини ёғоч ўймакорлиги усталари Ортиқ Файзуллаев, кулол Нарзуллаевлар сулоласи вақиллари ва Шариф Азимов ўз асарларида ёрқин акс эттирганлар.

Гулором ҲАМИДОВА

Хусусан, ёшларнинг ёзги дам олиш мавсумининг унумли ва фойдали ўтишини таъминлаш мақсадида Республика «Wiedergeburt» немис миллий-маданий марказида 10 кунлик дастур ташкил этилди. Унда 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган ўн бешдан ортиқ йигит-қизлар иштирок этди.

«Wiedergeburt» сўзи немис тилидан олинган бўлиб, «қайта туғилиш» деган маънони билдиради. Миллий марказимиз томонидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йилги лойиҳаларнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бевоқифа боғланган ҳолда олиб борилмоқда. Умирларимиз тузилган ўн кунлик дастур давомида Ўзбекистон ва Германия мамлакатларини боғлаб турадиган кўплаб алоқалардан хабардор бўлдилар. Шунингдек, давлатларнинг муштараклик жиҳатларини ўргандилар, — дейди Республика «Wiedergeburt» немис миллий-маданий марказ раҳбари Мария Григорьевна. — Бугунги авлод замон талаби билан ҳаракатланувчи ёшлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз тадбирда соҳа мутахассисларини бевоқифа иштирокити таъминладик. Дарслар пухта ишланган жадвал асосида

ЁШЛАРНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида яшаётган халқларнинг маданий, ижтимоий ва диний тотувлиги янада ривожланиб бораётди. Бунинг қаторида ёш авлод вақилларига кўплаб имкониятлар яратилиб, халқаро майдонда Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон ўлканинг ўрни ва мавқеи янада ортмоқда. Бу эса ўз навбатида юртимиз ёшлари орасида жаҳон тилларини кенг ва чуқур ўрганиш имкониятларининг ошишига хизмат қилаётди.

олиб борилди. Унинг доирасида сахна кўрсатишлари, расм чизиш, деворий газеталар қилиш, немис ва ўзбек тилларида мулоқот, мусиқий дастурлари ўрин олди. Болалар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Бунинг натижасида уларнинг дунёқароши, ўзларига бўлган ишончи янада ортади.

Тадбирдан кўнгли тўлган ёш иштирокчилар бу каби имкониятлар мустақиллик шарофати билан

яратилгани ҳақидаги фикрларни завқланиб ўзаро ўртоқлашдилар. Шунингдек, лойиҳаларнинг ривожлантирилиши тилларни янада ўрганиш ва қизиқишга бўлган иштиёқини ошириб, Ўзбекистон ва Германия ёшлари ўртасидаги алоқаларнинг келажақда янада порлоқ бўлиши учун яна бир асос яратилди деган гоғялар илгарти сурилди.

Саида АҲИМОВА

Спорт янгиликлари

СОВРИНЛИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАШДИ

Белоруссиянинг Лагойск шаҳрида паҳлавонлик ўйинлари бўйича ўтказилган МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари кубогидан ҳамшаҳарларимиз Сергей Трубицин ва Ҳамза Примовлар бронза медалларини қўлга киритган ҳолда ёруғ юз билан қайтишди.

Таъкидлаш жоизки, мусобақа шартлари жуда мураккаб эди. Спортчилар ғалаба қозониш учун ҳар бир кўлида 135 килограммлик тош билан 25 метр масофага қориб келиши, 2 дақиқа давомида 135 килограммлик ходани энг кўп кўтариш, вазни 320 килограмм бўлган Конан мосламасини кўлда ушлаган ҳолда 9 марта кўтариш, 170 килограммлик тошларни 1,5 метр баландликдан ошириб отиш, 320 килограммлик ғилдирак баллонини 7 марта кўтариб отиши керак эди. Албатта, бундай оғир машқларни унча-мунча полвон ҳам бажара олмайди.

— Ҳар бир жамоа таркибида 2 нафар спортчилдан қатнашди, — дейди мусобақа қатнашчиси, пауэрлифтинг бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Сергей Трубицин. — Мен билан бирга турнирда ҳамюртим — пауэрлифтинг бўйича республиканинг мутлақ чемпиони, Осиё чемпионати совриндори Ҳамза Примов иштирок этди. Россия, Литва, Эстония, Латвия, белоруссиялик жиддий рақибларга дуч келганимизга қарамай кучлилар сафидан ўрин олиш учун бор имкониятимизни ишга солдик. Албатта, Пузановский, Савицка, Теодоровичёв, Хохляев каби паҳлавонлар билан беллашиш ҳам фахрли, ҳам мураккаб эди. Зеро, улар кўплаб бундай халқаро мусобақаларда иштирок этганлар, биз эса илк бор қатнашдик ва совринли ўринларни эгалладик. Энг муҳими, биз энди заиф жойларимизни биланмиз ва келажақда янада юқори натижаларга эришишимиз мумкин.

И.ДИЛШОДОВ

Футбол муҳлисларига маълумки, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Баҳодир Насимов жорий йилги мавсумда Озарбойжоннинг «Нефтчи» клуби шарафини ҳимоя қилмоқда.

МАВСУМНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАДИ

Шуниси эътиборлики Боқунинг «Нефтчи» жамоаси жорий йилда Европа чемпионолар лигаси турнирида иштирок этди. Шу сабаб ҳам Озарбойжон чемпионатининг «Нефтчи» — «Корабоғ» жамоалари ўртасидаги дастлабки тур баҳси қолдирилган эди. Кунин кеча «Нефтчи» Боқунинг бошқа жамоаси «Раван» клуби меҳмони бўлди. 90 дақиқа мобайнида стадионда ҳужум чизигида ҳаракатланган

ҳамюртимиз Баҳодир Насимовнинг ҳатти-ҳаракатлари муҳлисларда илиқ таассурот қолдирди. 17-дақиқада жамоадoshiлари бошлаган ҳужумни Баҳодир самарали яқунлаб мезбонлар дарвозасига гол урди. Ушбу гол ўйин охирига қадар ягоналигига қолди. Учрашувда энг яхши ўйинчи Баҳодир Насимов эътироф этилгани эса таҳсинга лойиқ.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«YO'LOVCHITRANSSEVIS»
ОЛДИН ЙИЛ ЧИЛГАДАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

КУЛАЙ • ФОЙДАЛИ • ТЕЖАМКОР

ҚАЛБАКИЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!
ФАҚАТ МАҲСУС ШОҲОБЧАЛАРДАН СОТИБ ОЛИНГ!

Тошкент, 100125, Темуралиев кўчаси, 33А; тел.: 260-14-05, 260-14-06, 260-05-92; факс: 260-21-78; e-mail: yts@inbox.ru

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 25 август куни ҳаво бироз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.

Республика ҳудуди бўйича ҳаво бироз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда, айрим жойларда секундида 15-20 метр тезликда кучайган ҳолда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-24, кундузи — 30-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 25 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз пайини тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
296 тиража босилади.
Қағоз белини А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмадониси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.